

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА КРЕАТИВ ФАОЛЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МОДЕЛИ

Юсупова Гулширахан Зинатдиновна

Қорақалпоғистон Республикаси педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий
маркази доценти., педагогика фанлари бўйича (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7434169>

Аннотация. Ушбу мақолада бошланғич синф ўқувчиларида креатив фаолликни шакллантиришни такомиллаштириш модели борасида маълумотлар ўз аксини топади.

Калит сўзлар: рефлексив қисмлар, ўқувчиларнинг креативликларига оид ёндашувлар, креатив фаоллик, инновацион характердаги креативлик, эстетик характердаги креативлик, динамик характердаги креативлик.

МОДЕЛЬ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ У УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ

Аннотация. В данной статье отражена информация о модели совершенствования сформированности творческой активности у учащихся начальной школы.

Ключевые слова: рефлексивная часть, подходы к творчеству студентов, творческая деятельность, творчество инновационного характера, творчество эстетического характера, творчество динамического характера.

MODEL OF IMPROVING THE FORMATION OF CREATIVE ACTIVITY IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS

Abstract. This article reflects information about the model for improving the formation of creative activity among elementary school students.


Keywords: reflexive part, approaches to students' creativity, creative activity, creativity of an innovative nature, creativity of an aesthetic nature, creativity of a dynamic nature.

Бугунги кунда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар таълимнинг функционал парадигмасидан ўқувчиларни ривожлантиришнинг когнитив-интеллектуал парадигмасига ўтишга йўналтирилгандир. Бу инсонпарварликка асосланган шахсга йўналтирилган ўқув-билув жараёнини ташкил этишни тақозо қилмоқда.

Бир хил шароитларда муайян ўқувчида креатив фаолликнинг вужудга келиши кузатилади. Бошқа бир гуруҳ ўқувчиларда эса, бундай ҳолат кузатилмайди. Ўқувчиларда креатив фаолликнинг вужудга келиши унинг махсус қисмларини ривожлантиришга оид билимларни ўзлаштиришни тақозо қилади. Жумладан, майлли, дунёқарашга оид, ҳиссий-ихтиёрий, мазмунли-ҳаракатли ҳамда рефлексив қисмлар бунга мисол бўла олади. Уларнинг ўзаро таъсири ва алоқадорлиги уйғунлашган бирликлар мажмуи сифатида намоён бўлади. Шуни алоҳида ҳисобга олиш керакки, ҳар бир шахс учун характерли бўлган одат ўзига хос тарзда ривожланиш мароми ва шарт-шароитларига эгаликдир.

Шунга кўра ўқувчиларда креатив фаолият кўникмалари ривожланишининг 3 та даражасини ажратиш кўрсатиш мумкин. Улар куйи даража, ўрта даража ҳамда юқори даража кабилар.

Бундай тизимни моделлаштириш натижасида алоҳида педагогик вазиятларнинг дидактик изчиллигини таъминлаш мумкин. Бу ўз навбатида ўқувчиларнинг



этиборларини ўрганилаётган муаммога йўналтириш имконини беради. Қуйида бошланғич синф ўқувчиларида креатив фаолликни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг модели ишлаб чиқилди (1-расм).

Бошланғич синф ўқувчиларнинг креатив фаолликларини жадаллаштиришда педагоглар қуйидаги ўқув вазиятларни, шарт-шароитларни вужудга келтиришлари лозим:

- ўқув жараёнида ўқувчилар ўзларини мустақил эркин сезишлари учун педагогик ва психологик климат яратиш;

- ўқувчилар билан мулоқотни коммуникатив муносабатда ўрнатиш;

- ўқув материалларига мос тарзда техник ва дидактик воситалардан тўғри фойдаланиш;

- ўқитувчи илғор педагогик технологиялар, стратегия, интерфаол метод ва ўйин машқлардан ўқув жараёнида самарали фойдаланиш;

- ўқувчиларнинг креатив фаолликларининг юзага чиқишини қўллаб-қўватлаш ва рағбатлантириш

Бошланғич синф ўқувчиларида креатив фаолликни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, ўқувчиларнинг мустақил билим олишларини рағбатлантириш, ижодий имкониятлари кўламини кенгайтириш, ижтимоий тажрибанинг шахсий характер касб этишига эришиш принципларга устиворлик бериш асосида такомиллаштирилди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисидаги ПФ-5712-сонли Фармони. <https://lex.uz>
2. Сафарова Р. ва б. Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш жараёнини ташкил этиш тамойиллари ва параметрлари. - Т.: Фан ва технология нашриёти, 2013.
3. А. Ж. Сейтов, Ф. Х. Абдумавлонова РЕШЕНИЕ ГЕОМЕТРИЧЕСКИХ ЗАДАЧ С ПОМОЩЬЮ МАТЕМАТИЧЕСКОГО ПАКЕТА MAPLE // Academic research in educational sciences. 2021. №6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/reshenie-geometricheskikh-zadach-s-pomoschyu-matematicheskogo-paketa-maple> (дата обращения: 13.12.2022).
4. M. N. Salaeva, Z. Y. Nodirova, R. R. Sidiqov, F. X. Abdumavlonova PISA TADQIQOTIDA KREATIV FIKRLASHNI BAHOLASH MAQSADI VA ASOSIY E'TIBORI // Academic research in educational sciences. 2021. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pisa-tadqiqotida-kreativ-fikrlashni-baholash-maqsadi-va-asosiy-e-tibori> (дата обращения: 13.12.2022).
5. Ф. Х. Абдумавлонова, А. Ж. Сейтов СХЕМЫ ГОРНЕРА НА МАТЕМАТИЧЕСКОМ ПАКЕТЕ MathCAD // Academic research in educational sciences. 2021. №CSPI conference 3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/shemy-gornera-na-matematicheskompakete-mathcad> (дата обращения: 13.12.2022).
6. Сейтов А. Ж., Абдумавлонова Ф. Х. ПРИМЕНЕНИЕ МАТЕМАТИЧЕСКОГО ПАКЕТА MATHCAD ДЛЯ ПРОВЕДЕНИЯ УРОКА НА ТЕМУ «ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫЕ МОДЕЛИ» В 11-КЛАССЕ.

7. Ф. Х. Абдумавлонова. (2022). РОЛЬ ПОСТРОЕНИЯ ПРАВИЛЬНОГО ЧЕРТЕЖА НА УРОКАХ ГЕОМЕТРИИ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ. International Scientific and Practical Conference "Modern Psychology and Pedagogy: problems and solutions", ANGILYA. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6602192>
8. F.Abdumavlonova. (2022). THE CONCEPT OF THREE-DIMENSIONAL SPACE AND CONSTRUCTION OF VOLUMETRIC BODIES ON THE MATHEMATICAL PACKAGE GEOGEBRA. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7394639>.